

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИМИЗ КЕНГ ВА ЗАФАРЛИЙУЛДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашмиш!



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
ЎЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши,
№ 51 (13.611).
1 МАРТ
1967 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тиини.

Бугун Тошкентда
Ўзбекистон қишлоқ
хўжалик илғорлари-
нинг қурултойи
очилади

Расмий хабарлар БИРЛИК ВА ЖИПСЛИК

НИЖНИЙ ЛОМОВ (Пенза области), 27 февраль.
(ТАСС). Нижний Ломов сайлов округидан РСФСР Олий
Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган
КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков
бугун эрталабдан ошхона ва қишлоқ хўжалик ходи-
мларининг эъломи ишлари билан танишишни давом
эттирди. У, чўчкаларни бўрқонига боқадиган қолхозлар-
ро базани бориб кўрди. Бу база бир йил илгари Вер-
хний Ломов ишловда барпо этилган чинакам гушт фаб-
рикасидир. Ф. Д. Кулаков чорвадорларнинг ҳаёти ва
меҳнати билан, йилнинг ишида иқтисодий стимулар
қандай жорий этилганлиги билан қизиқди. Шундан
кейин у, Нижний Ломов машинасозлик заводи ишчи-
лари хузурида бўлди.

Машинасозлар клуби бешта район меҳнатнашлари
вакиллари билан лиц тўлди.

РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод Ф. Д. Ку-
лаковни сайловчилар илк кутуб олдилар.

Ишончи вакил, Беднодемьяновский район партия ко-
митетининг биринчи секретари Н. К. Марков сўзга чиқ-
ди. У, депутатлига номзоднинг таржиман ҳолини гапи-
риб берди, унинг Совет давлати олдидagi хизматларини
иқтисодий ўсиш, сайловлар натижада барча сайловчиларни
партиянинг содиқ фарзанди Федор Давидович Кулаков
учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан «Нечаяевский» совхозининг
чорвадори А. Ф. Борисов, «КПСС XXI съезди» йўлқозни-
нинг раиси К. Ф. Гришаев, РСФСРда хизмат кўрсатган
ушбу ишчи И. И. Уланов, Вадимский район комсомол ко-
митетининг биринчи секретари Б. А. Колесов ва бошқа
сайловчилар бу таъдидни яқинлиги билан қўллаб-қув-
ватладилар. Иштироқчилар Ҳукуматнинг 50 йиллиги
шарафига бошланган зарбдор меҳнат вахтаси тўғриси-
да гапириб, меҳнатон ленинчил Коммунист партия
теваригига мустақам жипслаганликлари билан сўзга
кунда намойиш қилишга тайёр эканликлари айтдилар.

Махлис ахли Ф. Д. Кулаковнинг нутқини эрт эътибор
билан тингладилар. У, билдирилган юксак ишонч учун сай-
ловчиларга ташаккур айтди.

ЭФИОПИЯ ИМПЕРАТОРИ ХАЙЛЕ СЕЛАССНЕ 1 МОСКВАДА

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати-
нинг тақдирига буюн Москвага келган Эфиопия им-
ператори Хайле Селассие I 27 февралда Кремлда СССР
Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний
хузурида бўлди. И. В. Подгорний билан император Хай-
ле Селассие I ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Кеча Хайле Селассие I Кремлда СССР Министрлар
Совети Раиси А. Н. Косигин хузурида бўлди. Улар ўр-
тасидаги суҳбат дўстона руҳда ўтди.

Кремлда Совет-Эфиопия муносабатлари бошланди.
Шу муносабатлар домида Совет-Эфиопия муносабат-
лари доир масалалар ва халқаро аҳолининг баъзи ақ-
туал проблемалари муҳофиза қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати
кеча Эфиопия императори Хайле Селассие I шарафига
зифат бердилар.

(ТАСС).

«КОСМОС-143»

ТАСС АХБОРОТИ

1967 йил 27 февралда Совет Иттифоқида Ернинг на-
батдаги сунъий йўлдоши «Космос-143» учирилди. Йўл-
дош чинга ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган про-
граммага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилиш учун
муайянлашган илмий аппаратларни ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага
чиқарилди:

- Ўрбитагаги айланиш даври 89,5 минут;
- Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида) 302 километр;
- Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида) 20 километр;
- Орбитагаги оғиши 65 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари, 10.995 ме-
гагерц частотада ишлайдиган радиопередатчи, орбита
элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, прибор-
лар ва илмий аппаратларнинг ишлаши ҳақидаги маълум-
отларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрич сис-
тема бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб
турибди.

Координатлаш-ҳисоблаш маркази олинатган ақсо-
ротларни ишлаб чиқмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республикада воқалар санъатини ривомлантиришдаги
хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлганлиги
муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ артисти, Алишер
Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик
Катта театрининг солисти Саттор Рахмонов Ўзбекистон
ССР Олий Совети Президиумининг фармонида мувофиқ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий
Ерлиги билан мунофотланди.

КАТТА АНЖУМАН

Барча совет халқи Улуғ Октябрь соци-
алистик революциясининг муборак юбилейи-
га ҳозирланмоқда. Эрк, бахт кўши балки-
ган, Коммунистик партиямиз даҳоси танта-
на қилган, жаҳонда биринчи марта «Бутун
ҳокимият—Советларга!» деган адолатли сўз
янграган кунга 50 йил тўлмоқда. Мамлакатимиз-
нинг ярим асрлик умрини эсларканмиз
кўнгиллар фахр, гурур билан тўлиб-тоша-
ди. Ҳар ким шу ярим асрлик тарихда қўл-
га киритган бахт-саодатини, меҳнати ва
ижодини кўридан ўтказгиси келади. Бу-
гун республикаимиз қишлоқ хўжалик илғор-
лари ҳам ўз йилликларига ана шундай туйу-
қ билан келганлар.

Бугун Тошкентда қишлоқ хўжалик илғор-
ларининг республика қурултойи очилади.
Бу катта кенаш шод-хўррамлик рамзи,
ғалабаларимиз кўриги, истиқбол режалари-
нинг ана ҳам тўғри, раван йўлини белгилаб
олувчи тарихий воқеа бўлиб қолади. Чунки,
республикаимиз қишлоқ хўжалик меҳнат-
кашлари бу галги қурултойларига зўр
ютуқлар билан келдилар. Утган йилнинг 4
миллион 82 миң тонналик катта пахта ҳир-
мони, тоғ-тоғ ғалласи, олтинга тенг пилласи
ва қорақўл териси, ширин-шакар меvasи,
мўл сабзавоти 50 йиллик катта туй олдидан
элга манзур бўлулғи инъом эди.

Юбилей йили — 1967 йилда ўзбек диёри
ҳамма бойлигини улуғ Советлар мамлака-
тининг тўқтин достурхонига тўкиб солади,
мамлакат куч-қудратини тагин ҳам мустақ-
камлашга барча соҳада ўзининг муносиб
улусини қўшади. Бугун ўз қурултойига
ийилган қишлоқ ана шундай эзгу ният билан
нафас олаётган заршунос пахтакорлар,
чорвадорлар, ғаллакорлар, пиллачилар,
боғбонларнинг илғор вакиллари.

Шонли юбилей йилида ҳар қачонгидан
ҳам мазмундор воқеаларнинг гувоҳи бўлиш,
оламшумул зафарлар кучиш катта-кичи
барча совет халқининг энг буюк орзуси-
дир. Бу орзу бизнинг республикаимиз меҳ-
наткашларини, шу жумладан қишлоқ хўжа-
лиқ ходимларини халқ хўжалигини ривож-
лантиришда баланд-баланд чўққиларни
эгаллашга ундамоқда. Ўзбекистон бу йил
азиз Ватанга катта пахта ҳирмони соғла
қилади. Дон, пилла, чорвачилик маҳсуло-
лари, қорақўл териси, сабзавот, мева-чева-
ларини мўл-кўл етказиб беради. Ўзбек халқи
нимага қодир бўлса, уни муҳайё қилишнинг
уддасидан чиқади, ижод этувчилик, ярату-
вчилик қобилиятини намойиш қилади. Бу —
унинг Улуғ Октябрь революциясига бўлган
хўрмати ва муҳаббат, бу — унинг «Авро-
ра» заллига ҳамоҳанг жавоби, бу — унинг
ўз Коммунистик партияси, меҳнатон Совет
ҳукуматига бўлган чексиз миннатдорчили-
гининг белгисидир.

Республикаимиз қишлоқ хўжалик ходимла-
рида ахши аниёна бор. Ҳар йили иш бош-
ласи олдидан машҳур кишиларимиз воси-
тасида ўз фикрларини ўртага ташлайдилар
ва ҳаммасиларига мурожаат қиладилар. Бу
мурожаат муҳокима этилади ва амалий
маслаҳатлар ўртага ташланади. Бу йил ҳам
ана шундай бўлди. Яқин ораинг ўзда
иқти қарҳомон бонг урди. Машҳур механиз-
атор Шоймардон Қудратов чўққиларни бўс-
тон қилишга, Ризмат ота Мусаммадов
кўчат экиш, боғ-роғларни қўпайтиришга ча-
қирди. Бу йилнинг пахтачилигини янада
тараккий эттириш, эл дастурхонини безаш
ва маъмуриликни ошириш учун курашга
чақирувчи қимматли хўжаликлардир. Бу
ниҳодларга ҳамма ерда «лаббай» деб жавоб
бермоқдалар. Чўққуларлар сафи кундан-
кун кенгаймоқда, кўчат экиш бўлиб деган
ақилли садолар янграмоқда. Юбилей йили-
нинг ўзига ҳас меҳнат кўтарилишини ҳамма
жойда ва ҳаммамнинг қалбига акс этмоқда,
меҳнат тараққили авжига чиқмоқда. Юби-

лей йилининг зафардаст меҳнати ҳозирдаёқ
каттагина зафарлардан дарак бериб туриб-
ди. Республикаимизда деярли барча экин
майдонлари шудгор қилиб қўйилган. Қанча-
қанча хўжаликлар экишга шай бўлиб тури-
шибди. Бир неча қолхоз гушт тайёрлаш
йиллик планини, айрим районлар ярим
йиллик планини ҳозирок бажариб қўйди.

Бугун ўлкаимиз баҳорининг биринчи кўни.
Яна бир ҳафтадан кейин хотин-қизларнинг
Халқаро байрами бўлади. 12 мартда Ўзе-
бекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Со-
ветларга сайловлар ўтказилади. Бу кунда
қўпмиллатли совет халқлари ўзларининг
монотип бирлиги ва бузилмас иттифоқини
намойиш қилиб, зўр шоду-хўррамлик билан
сайлов қутилари ёнига борадилар. Тўй ке-
тидан-тўй, тантана кетидан-тантана бир-би-
рига ўлашиб кетади. Республикаимиз қиш-
лоқ хўжалик илғорларининг қурултойи ана
шундай ажойиб кунларда ўтаётганлиги билан
ҳам характерлидир. Шунинг алоҳида
таъкидлаб ўтиш керакики, бу галги қурултой
ўз макени ва эътибори билан катта ижодий
ийилиш бўлади. Бунда ишлаб чиқаришнинг
прогрессива усуллари кенроқ ўрганилади
ва илгари сурилади, комплекс механизаци-
ялашнинг ҳамма томонлари чуқурроқ ўр-
ганилиб, бу ҳақда тегишли тадбирлар бел-
гиланади, меҳнат унумдорлигини ошириш,
оз куч сарф қилиб, кўп маҳсулот етишти-
риш каби энг зарур ҳаётий масалаларга
зўр аҳамият берилади.

Пахтачилик ва бошқа деҳқончилик, чор-
вачилик маҳсулотларини қўпайтиришда рес-
публикаимиз эришган ютуқлар бекис-
дир. Утган йили пахтанинг яппи ҳосили
аввалги йилдагига нисбатан салкам 200
миң тонна ошди. Бошқа соҳалар ҳам ана
шундай қувончли рақамлар билан яқунлан-
ди. Бу ютуқларга партия ва ҳукуматимиз-
нинг яқиндан бераётган катта ёрдами ва
оталарча меҳрибонлиги орқали эришил-
моқда. Фан ютуқлари илғор тажрибалар
билан чамбарчас боғланмоқда. Ҳаммадан
қувончлили шунки, кишиларимизда ижодий
меҳнат қилишга, янгилик кетидан боришга,
мамлакат куч-қудратини ошириш, эл бахти-
саодати йўлида хизмат қилишга бўлган ин-
тилиш кучаймоқда.

Бу йил республикаимиз қишлоқ хўжалик
меҳнаткашлари олдига ана ҳам каттароқ
вазифалар турибди. Бу йилги ишимиз ҳам-
ма йиллардагидан самаралироқ бўлиши ке-
раки. Мамлакат «оқ олтин» хазинаси юбилей
йилида ўзбек пахтаси билан тўлиб тошини,
пиллачиларимиз мамлакатимиз, тўйида
халқини илқ билан кўпроқ безасин. Қора-
қўл, дон, сабзавот, мева ва чорвачилик
маҳсулотларини шунча кўп етиштирайлик-
ки, Улуғ Октябрь байроғи тағида тар-
бия топган, ўсиб-ўнган ўзбек халқи нима-
ларга қодир кишилар бўлиб етишганини бу-
тун жаҳон билисин.

Баҳор кирди. Тўй, тантана, зафарлар
йилининг баҳори кирди. Қишлоқ хўжалик
меҳнаткашларини янги ютуқларга чорловчи
зафардаст меҳнат баҳори кирди. Баҳор
меҳнат аҳлини ишга чорламоқда, бепосн
далаларга йўлламоқда. Қўпмилти экишга
ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўри-
ялик. Ҳамма қолхоз ва совхозларда техника
шай бўлсин. Бу йил бир ярим миллион тон-
на пахта машиналар бункеридан тўкилади.
Машина теримига шу кундан бошлаб ҳар
тарафлама пухта тайёргарликни кўриб қў-
яйлик. Кўтлуг йилнинг музаффарияти йўли-
да фидокорона ва яратувчилик меҳнатини
кўчайтирайлик.

Республикаимиз қишлоқ хўжалик илғорла-
рининг катта анжуманига йилгилан қурултой
вакиллари, зўр келибсиз. Сизга юбилей
йилида янада катта муваффақиятлар
тилаймиш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини
мўл-кўл етиштиришда ҳаммиса зафар ёр
бўлсин!



Шоймардон Қудратов изидан

КОМСОМЛАР МИРЗАЧЎЛГА ОТЛАНДИ

Бепосн чўллар, саҳролар,
даштлар ҳақиқатан ҳам жасо-
рат майдони ҳисобланади. Бу-
ли машҳур механизатор, Сур-
хондарё области, Шеробод рай-
онидagi «Советобод» совхоз
комплекс механизациялашган
бригадасининг бошлиғи, Соци-
алистик Меҳнат — Қаҳрамони
Шоймардон Қудратовнинг рес-
публикаимиз барча механизаци-
аторларга Очинг хатига ҳам яна
бир бор ҳис қилиш мумкин.
Шоймардон Қудратов ўз хати-
да ҳаммамизнинг фикримизни,
дидимиздаги гапларини, баён
қилди.

Шоймардон Қудратовнинг
хати районимиз комсомол йш-
ларига тез етиб келди ва улар
хатини сатрма-сатр, қайта-қайта
ўқиб чиқмоқдалар, моҳир ме-
ханазатор Қудратовга эргаш-
миш, унинг чақиринига «лаб-

бай» деб жавоб берамиз деҳқон-
лар, «Ленин йўли» қолхозидан
Аҳад Тоғасов, «Чимбой-
обод» қолхозидан Расул Хол-
мўминов, Тельман номи қол-
хоздан Латиф Қорабев, Су-
воқул Шароф, каби 70 дан
ортиқ комсомоллар Мирзачўл-
га жўнаган эди. Улар Мирза-
чўлдаги янги совхозларда
мардлик намуналарини кўрса-
тиб меҳнат қилишпти.

— Мирзачўлга борамиз, уни
яшайётган водийга айлантира-
миш — деб район комсомол
комитети номига ариза ёзди-
ган комсомоллар сонини кўн са-
йини қўпайиб борапти. Сурхон-
дарёлик механизатор Шоймар-
дон Қудратовнинг хатидан ке-
йин район комсомол комитети-
га 50 дан ортиқ ариза тушди.
Уларнинг авторлари — ком-
сомол ва йшлар қўқкам экиш
кампанияси бошланмасдан
Мирзачўлдаги янги совхозлар-
га бориб янги ер очиш, чигитни
қисқа муддатларда экиш ва
юбилей йилида янги ерларда
мўл-кўл ҳосил етиштиришга
аҳд-лаймол қилишпти.

А. ТИЛЛАЕВ,
Каттақўрғон район ком-
сомол комитетининг сек-
ретари.

ХОРАЗМ ЧОРВАДОР- ЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Машҳал Хоразм областининг
чорвадорлари Ўзбекистон қишлоқ
хўжалик илғорларининг қурултой-
ига ажойиб меҳнат совгаси тай-
ёрладилар. Давлатга гушт сотиш
биринчи квартал плани муддатидан
илгари адо этилди. Қабул
пунктларига 1968 тонна семиз
гушт топширилди. Бу, утган йил-
нинг шу муддатидагига нисбатан
400 тонна кўпдир. Эришилган ғала-
бага Хива, Янгиерини ва Шовот
районларининг хўжаликлари нати-
жа хисса қўшди.

Шунингдек, области чорвадор-
лари кеча кечкурун сут тайёрлаш
квартал плани ҳам бажаришгани-
ли ҳақида ғалаба рапорти бериш-
ди.



Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи делегатларидан бир гуруппаси.

И. Глауберзон фотоси.

ЭКИШ МАВСУМИ ТАРАДДУДИ

Деҳқон қейққа қўл узатса етадиган бў-
либ қолди. Унга машина ва механизмлар
кетта ёрдам кўрсатапти. Деҳқончиликда
машиналардан фойдаланиш салмоғи ил-
дан-йилга ортиб бормоқда. Пахтачиликни
машиналаштириш борасидаги бу муборак
ишга «Ўзбексельмаш» заводининг ишчи-
лари, инженер-техник ходимлари ҳам муно-
сиб ҳисса қўшаётirlар.

Кеча чигит экиш сезилганининг ўзидан 28
та тайёрланди. Завод азаматлари чигит
экиш масуси олдидан бундай сезилган
ишлаб чиқаришни тобора тезлаштирмоқ-
далар. Январ ойида 380 та сезилка тайёр-

ланган эди. Машинасозлар Бутун куч ва
имкониятларини сафарбар қилиб, фе-
враль ойида 500 та сезилка ишлаб чиқа-
ришга муваффақ бўлдилар.

Ҳар бир цехда Улуғ Октябрнинг 50 йил-

лиги шарафига оширилган мажбуриятлар
олинган. Лафзи ҳалол машинасозлар ва-
деларига яраша меҳнат қилиб, ишлаб чиқа-
ришда янги зафарларга эришмоқдалар.

Улар делаларимизда чигит экиш мавсуми

бошлангунча камиди 1500 та сезилка тайёр-
лаш учун мусобақани қўпайтириб юборди-
лар. Эҳтиёт қисмлар тайёрлаш топшириқ-
лари ҳам муваффақиятли бажарилипти.
Йил бошидан буён планга қўшимча ра-
вишда 1300 сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб
чиқарилиди.

Ф. ХУЖАЕВ
ХОТИРАСИНИ АБАДИЯ-
ЛАШ ТУҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Халқ Ко-
миссарлар Советининг солисти
райси Файзулла Хўжаевнинг
республикада социалистик қу-
рилишда қилган катта хизмат-
ларини ҳисобга олиб, респу-
бликадаги кенг жамоатчилик-
нинг жуда кўп истакларини на-
зарда тутиб, Ўзбекистон Ко-
мпартияси Марказий Комитети
ва Ўзбекистон ССР Министр-
лар Совети дарор қилади:

1. Қуйидагилар Файзулла
Хўжаев номига қўйилсин:

- а) Бухородаги мактабга
тарбия педагогика билим юрти;
- б) Самарқанд шаҳридаги рес-
публика клиника касалхонаси;
- в) Қашқадарё областидаси
«Экин ангор» совхоз;
- г) Тошкент шаҳар Қўйбашев
районидagi Электронабель кў-
часи.

2. Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети хузурида-
ги партия тарихи институти
ва Ўзбекистон ССР Фанлар
академиясининг республика
Министрлар Советининг Давлат
матбуот комитети билан бир-
галикда Ф. Хўжаевнинг таъ-
ланган асарларини нашр этиш
топширилсин. (ЎЗТАП).

Бухоро области. Сами Салов Бухоро районидagi «Ленин йули» колхозининг ишбилармон, уста пахтакоридир. У бошлик бригада утган йили 110 гектар пахта майдонининг ҳар бир гектаридан салтан 30 центнердан ҳосил етиштирган эди. Бу йил эса намида 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишни нўзда тутмонда. Бригадада ҳозирда оқ мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаб кўйилди. Суратда: бригадир Сами Салов ва суғчи Салим Ховов ўртоқлар.

А. УСМОНОВ фотоси (ЎзТАГ фотокорнаси).



Жоқсалар рақамлари

Машиналарга кенг йўл! Утган йили жасоратли механизаторларнинг шори ана шундай бўлди. Республиканинг ҳамма областларида ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида машина терими пиланини олиши билан бахаришга имкон берди. Сирдарё областининг механизаторлари ҳосилнинг 60 процентга яқинини машиналарда териб олдилар.

Республиканимиз воқоаларида улкан қанналар, йирин сугорич иншоотлари, сунъий денгизлар

барпо этилди. Етти йиллик мобайнида умумий ҳажми 1,4 миллиард кубометрли сув омборлари қозғаланишга топширилди. Қурагани насос станциялари, каналлар қурилди. 545 километр каналга бетон ётқизилди.

Қишлоқ хўжалигини кимйиллаштириш даражаси йил сайин ўсиб бормоқда. Пахтачилик ва унинг бошқа тармақлари минерал ўғитлар билан йил сайин кўпроқ таъминланмоқда.

БАХТ ТОПГАНЛАР

Бойвут ерларининг узок тарихи бор. Бу массив Мирзачулдаги энг шўрхон ва захнаш, бир умр гнєх уммаган тўғайзор булган. Фақат бизнинг замонамизда Мирзачулга кенг хужум бошланди. Бойвут массивини ҳам ушлаштиришга киришилди. Совет ишчилари чулга бир тан, бир жон бўлиб отландилар.

Бир неча йиллардан буюн Бойвут массивида деҳқончилик қиламиз. Дастлабки даврларда бу ерлардан мўда нам ҳосил олинар, даромад харажати ҳам қопламас эди. Ленин деҳқонларини қўл қовуштириб ўтиришмади. Илгир агротехника усуллари, тажрибалардан кенг фойдаланилди. Айниқса ерин ишлашга, елтида озилантириб, вақтида сугорилишга катта аҳамият берилди. Ана шулар натижасида пахта ҳосилдорлиги кескин кўпайди.

Советхизмат ишчилари кўлга киришган ютуқлар ҳақида мактабни таълим олишга киришмади. Ҳар ҳолда шунинг айтишимиз керакин, утган йили ҳам пахта таъйирлаш давлат пилани ва социалистик мажбуриятни анча ошириб бакардин. Ерлар гўзалондан тозаланиб чуқур шўдгор қилиб кўйилди. Бу ишларнинг ҳаммаси музунинг ўрталарига сифатли бакаринди.

Пахтакорлар юбилей йилида янада улкан ютуқларга эришиш учун кўрашляптилар. Шу муносабат билан кўнламага таъйирларин ишларини қилишга бошлаб юборган экин. Шўр ювиш, яхоб бериш ва далага маҳаллий ўғит чинариш таъйирларини муваффақиятли бакаринди. Қишлоқ хўжалик техникаси, биринчи гада, трактор ва сепалар алмаканилар ремонт қилиб кўйилган. Ерларнинг қишда кўчиб ётди. Қиш даврида механизатор кадрлар қозғаланиш, агрономлар, механиклар, пахтачилар, чорвачилик бригадаларининг бошликлари бир ойлик нурсда ўз малакаларини оширдилар.

Бойвут ерларида деҳқончилик қилиб, катта бахт ортирган ва пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшганлар ишчиларини бу йилги курултойга ҳам катта ютуқларини кўлга киритган ҳолда келдилар. Кўнлама экин кампанисини бошлангичга санокли кўнлар йолди. Биз бу муҳим кампанияга ҳар тарафлама шай бўлиб турибмиз. Советхизмат далаларида 126 та агрегат ишляди, улар кучи билан чигит экинни мўда қисқа мўддада тамомлашга аҳд қилганмиз.

Юбилей йилида қишлоқ хўжалик махсусотлари етиштириш ва давлатга сотиш таъйирларини мўддатидан илгари адо этишга бел боғлаган советхизмат азаматлари барча имкониятларини ва резервларини ишга солиб меҳнат қилляпти. Айни вақтда уй-жой, маданият-манжий корхоналар нуриллишини ҳам маддаляштирмамиз. Юбилей тантаналари кўнига қадар пилгидан 120 та уй-жой биноси қурилади ва 120 уй ремонтдан чиқарилди. Барча хонадонлар газлаштирилди. Советхизмат 6000 ўринли стадион қурилиб, фойдаланишга топширилди. Стадионда спорт майдончалари ва сув бассейни ҳам бўлиб, унда барча кўнлайиллар муҳайё этилади.

Юбилей йилидаги режаларини ана шундай.

Қ. РАШИДОВ,

Сирдарё областидagi 1-«Бойвут» совхозининг директори.

ТОҒЛИКЛАР

ОЧЕРК

томон юрди. Қолганлар бир пасгина нафас ростлаш учун дуч келган харсанга ўтириб, бўлиб ўтган офатни ҳар ким ўзича шарҳлай бошлади...

Колхоз идораси. Йилгилишларнинг эътибори Ганижонга қаратилган эди. — Биз, — деб сўзини давом эттирди раис, — сел олган ерларни айланди. Беш юз гектар пахтамининг сугорадиган янги канал бузилган. Турдани Мирзачуллов еридан 40 гектарча, Мирзамамуд Шарипов еридан 25 гектарча гўзани сув бошган.

— Вазифа оғир, ўртоқлар! — Раис шундай дедик, яна ўтиришларга раам солди. Энг бош кўрмади. Демак, ҳамма кўрашга шай, Ганижон кўнглидан шуларни ўтказиб, сўзида давом этди. — Ҳар тўп гўза олтин баробарида ўлчанадиган вақт ҳозир. Уни қайта экиб бўлмайди. Қаранг, сел думалатган маня бу бўлиб гўза туларининг ҳар бириди 12-13 тадан кўсан бор.

Раис стол устида ётган уч-тўрт тўп гўзага ниҳора қилди.

— Аммо афсусланиб турадиган пайт эмас. Шундай қилайлик, «Сел бугун неча тўп гўзани тикладинг?» деган савол ҳар бир колхозчининг дилидан жой олсин. Етти ойлик меҳнатимиз меваси маня шу гўзаларнинг ҳар тулини авайлаб тиклаб, унинг чинакам ҳимоячиси бўлайлик.

Хонада жонланган бошланди. Ҳар ер ҳар ердан «гўзаларимизни тиклаб оламиз», «каналини тўзатамиз» деб ишонч билан айтишган сўзлар ҳаммага дала бўлди. Қошум чехраларга табассум югурди.

Мен тоғликлар, уларнинг жасорати тўғрисида кўп эшитган эдим, аммо биринчи кўришим: Идорадан чиқиб кетаятган одамларга ҳавас билан қоқаман. Наҳотки, тошқин билан бўлган машаққатли олушув лоақал бирорта кишини тоқдирмас. Бу одамларнинг тўғрисида қадим ташлашдан гайрат қилганди!

Ганижон бу ҳолатимни кўзатиб турган экан шекилли: — Ҳа, одамларимизга қараб ҳайрон қолсанми, дейман! — деди.

— Ҳа, шунча кўч-ғайратни қайдан оларнинг деб ҳайрон қолсан киши.

Раис кўлди.

— Ҳайрон бўлманг, тоғликлар ажир халқ бўлади ўн. Улар табиат билан олиш-чиқариш кўнлар.

Мен Ганижонга тикилиб қолдим. Айни ёз пайтида тоғда бўлган бир учрашувни хотирлаб мийғимда кўлиб қўйдим. Ҳа, рост, Тоғликлар ҳам абирин, ҳам ҳазиллаш, ҳам кўнлик бўларкан. Кўнли «Ленинград» колхозининг раиси Тошхилда Маматов сув бошини келганди У тоғ-тош кезиб, бўлоқлар суяниги аўри бериб сойга бувар, сув чиёи

кўпайган кезларда дамини ҳам, уйку ва чарчогини ҳам сувга тикилиб тин олдиларди. Тун эндагина кўз очаятганди. Ганижон билан тоққа кўтарилаётган эдик. У бехосдан тўхтаб, қолларга қараб кўнли карнай қилиб сўзининг шовинини босиб кетгудай овозда ҳайқирди:

— Тошхилда, ҳў, Тошхилда, бу дейман Ганижон бошқа сой чиқариб сувни олиб кетмасин деб нечалари ҳам мижага қочмасиз-шенили.

Тошхилда биз турган ерга тушди. Кўришиб Ганижоннинг ҳазилига жавоб қайтарди:

— Сизнинг чапдастлигиниздан утган гал кўйдим, Ганижон, ўзим бу ерда, одамларим даҳаналарда сув пойлаяпти. — Яна бир кунга валломатлик қилсангиз, бу яхшиликнингизни сира эсан чиқармасинда, ака!

— Дўстим, ҳар қанча эркинлик қилсангиз кўтарман, одам бор, пахтаини тезроқ етиштирай десангиз ҳам инини кўлим кўнсинда-ю, аммо сув билан ҳазиллашманг, бўлоқ бошданмиз-ю, гўзалар сув бер деб чинақирли.

Энди иззатингиз бориди сува келган «ўшларинингизга» фармойиш берсангиз, ўзлари бош бўлиб тўрт соат ичда чегарамиздан одамларини олиб чиқсалар.

Ҳаммаслар бир пас қўлишди-ю, сўнгра ҳайрлангилар.

Ганижон кўздан қойиб бўлгунча Тошхилда унга тикилиб туриб: «жуда азамат, иш деса тиним билмайди-я» деди.

Ҳа, ҳаммаси айтгандай, Ганижон Эргашев чинакам ҳам азамат, даиримизнинг тиним билмайдиغان ақолиб кишиларидан. Уни бирор кўн қовоғи солиқ ҳолда учратмайсан. Ҳа, шунча рух бағишляди. Ганижон Чуст районидagi «Коммунизм» колхозига расилсизга сайланганда қишлоқ хўжалик артели гектаридан 18 центнердан ҳосил кўтарарди. Ганижон кишилар қалбига кўн солди. Уларнинг дардига ҳам, кўнчига ҳам шерик бўлди. Экин «оқ олтин» учун чинакам кураш майдонига чорлади.

Утган хўжалик йилида колхоз пахта пилани Андиқон областидagi биринчилар қаторида бакарди. Гектаридан олинган ҳосил 26 центнерга етди.

— Тоғли ерда машина ишлятиш ҳам қийин бўлса қерак, — дедим.

Ганижон ён дафтарчасини олиб варақча қилди. Сўнгра:

— Ҳа, бир ош унганас, — дед жавоб берди. Аммо шунга қарамай ерларимизни машина теримига мослаямиз. Утган йили санюна ўш тонна ўрнига қарийб бир ярим минг тонна пахтамининг машиналарда териб олдик. Ҳасанбой Дабобоев, Тошхилда Ас-

дидинов, Датарави Соатлиев сингари механизаторларимиз 120-130 тоннадан «оқ олтин» теридил.

Ганижон соатиға қаради. Далага чиқсанмининг, дегандай менга юзланди. Ҳар инкиниз ниядамай ташқарига, чинақин. Ҳар тўп мактаб болалари раисга мурожаат қилишди:

— Раис бобо, биз ҳам сел олган гўзаларини тиклашга қарашворсан майлими?

— Жуда майлида, гайратларингизга балли, азаматлар, қани борақолгилар бўлмаса, — деди раис мулоимлик билан.

Болалар баравар «урра» деб пахтазор томон чопилди.

Чўкиларни омпко қор кўрпаси билан епинган қоллар кечати селдан яттилляди. Сой ҳовридан тушиб, бир меёрда шовуллоқ, товарак-атрофга мусийди оҳанг таратмоқда.

— Бу ерининг об-ҳавоси шунақа, — деб сўхбатга аралашди қорачадан келган, оғзин бир тили.

Раам солиб қарасам, болаларни селдан кўтариб қолган Абдурахим экан, Ганижон таништирди.

— Инженеримиз Абдурахим Эшонов, Говалинг ўғли мухасисларидан.

— Гова ахас, Гова деса буларкан бу ерларин, — дедим мен ҳазиллашиб.

Ганижон менинг бу гапимга қилиб жавоб берди:

— Ўзи шунақа. Бир вантлар бу ерда сув учун қирғин бўлган. Қатра сув учун тўнгулган. Шу тўфайли маня шу тоғ этагидagi қишлоқни Гова дейишган эдик. Кейинчалик Гова деб талаффуз этилган бўлибди.

— Бу ерларнинг асли ному Говак бўлган деган тахминлар ҳам бор. Босингилар мўғуллар қачонлариди келиб шу тоғ оралиғида «хорсан» тошлардан Говак ерлар очиб, аширишган эдик. Элимиз босингиларни кўнган-ю, аммо қишлоқ ному Говак бўлиб қолган экан.

— Ўй, менимча буларнинг ҳеч бири тўғри бўлмас керак, — деди Абдурахим, Гова — тоғ этаги деган сўз. — Қишлоғимизнинг ному шундан келиб чиққан.

Абдурахим қойилим дегандай бизларга қараб илжанди-ю, сўнгра:

— Энди бизга рўхсат, — сел бузиб кетган Кариндон янаилида иш бошладик. Тўрт-беш кун ичда тикламасан, гўзалар сурдан қолшини муқимин деб ҳайрланиб кетди.

Мен унинг ортидан тикилиб қолдим. Гова, унинг меҳмондўст, матонатли ишчилари маня тамоман ўзига мафтун етган эди.

Чўтга бориб Говага ўтмасангиз, Чўстини кўрмадинг, дегиринг. Гова табиат яратган шунақа сўлим жой. Унинг хуш ҳавоси, му-

саффо суви, бахри-дили очувчи ажиб манзариси қалбингизни тетишлятиради. Одамларини? Бир биридан мўмтоз.

Эрта баҳорда ипан кўрт боқеди. Ҳар йили элга ипанқин инъом атай деб уч кўтидан ортин кўрт уруғини парварииш қилишга киришляди. Утган йили колхоз йигирма тўрт тонна пилда берди. Сўт-қаймоғи-ю, атоман ҳам мўл. Йил айланиб келди дегунча давлатга юз тоннадан ортин гарчча мўйли гўшт топширилади. Қарийб 1.300 гектар ердаги пахта ҳосилдорлигини азаматлар яна оширишмоқчи.

Бу ажойиботларнинг соҳибкорлари Говалин тоғликлар.

Сира асимдан чиқмайди. Узок йили эди. Гўза парварииш кўнлари. Ганижон колхозчиларинг умумийдан йилгилишда сўзга чиқиб: «Планин 10 октябрда бакарди, давлат гадаба рапорти берамиз», деди. Айримлар кўлди. Ваъдилар қилиб сўзтин ҳам эки биланда, дейишди ўшанда. Ўй, аниқлик қарангиз, колхоз кудди Ганижон айтган кўзда гадаба рапорти берди.

— Бу йилги? — деди ёнмадаги ишчи.

— Планин 16 октябр кўн бакармиз, деб августда оғлон қилляпти. Шу кўн бакаринди-да!

— Йигит сўзидан қайтмайди, ака, — деб ҳазиллашди Ганижон, сўнгра, — болдиндан тузилган графикага қатъий риоя қилинган иш ўнгидан келаярди, — деб кўнлиб қўлди.

— Планин иш — унумли иш, деган Навл бор. Биз шунга амал қиламиз.

«Коммунизм» колхоз меҳнатига ҳақ туларининг йиги узелгига ўтди. Колхозчи илгарилар гўза меҳнатига етиш процент ҳақ олиб, йилгичи кўтарди. Эндиликда колхозчи ҳар ойда ҳақ олади. Меҳнатининг самараси ойнадай равшан бўлиб турганди келин у келгуси ойда янада ахшироқ ишлашга нитилляди.

— Визнинг шаронтизмизда пахта етиштиришининг ўзи бўлмайди, дейди Ганижон, — тоғ этаги, ҳар тўп гўза бир неча марталоб табиий офат ҳамилсига дуч келлади. Пахтазор унинг доғига айланишга бебура бўлади ҳеч ган эмас.

Чўтоқ қўнчисида жиялалган қўннинг сизги нурлари ҳам сўди. Икинчи ва бешинчи бригада ерлариде трактор қайқирарди. Сел бузиб кетган гўзалар тикланган.

Бугун ҳаёл мени яна ўша тоғ одамлари сари еталади. Телефон қилдим:

— Алло, «Коммунизм» колхозини?

— Ҳа, ҳа, ним некан эди сизга?

— Ганижон керан эдилар.

— У йили далада.

— Сиз ким бўласиз?

— Мен колхоз қоровулиман. Мендан бўлак ҳамма далада.

Телефон трубафини аста жойига қўйди. Дераза олдиға бордини. Ташқарида қор учунляпти. Экин кўнйитган деб пахтакор шу пайлада ҳам дала кезади. Тоғликларнинг мардиги, жасорати шунақа бўлади.

С. КАПОМАТОВ.

РЕКОРД ҲОСИЛ УЧУН

Хоразмда машъал хўжаликлар йилдан йилга кўпаймоқда. Пахтадан рекорд ҳосил етиштириб, республикада доруғ таратган уч колхознинг ному Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI Пленумида тилга олинди. Шу колхозларда ҳозир ишлар қандай? Юбилей йили режалари қандай амалга ошириляпти?

Яхшичи, гапни машъал хўжаликларнинг даргаларидан эшитсан:

50 ЙИЛЛИККА—50 ЦЕНТЕРДАН

Исмон БЕКЖОНОВ, Янгиерик районидagi Киров номили колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

Беш йилликнинг биринчи йилида 918 гектар майдонининг ҳар гектаридан 45,2 центнердан «оқ олтин» кирмон ки кўтарилиди. Бошқа тармоқлар бўйича ҳам йил яхши юкунлади. Хисобот йилгилишда ютуқларимиз нимадеди, ишда қандай камчиликлариимиз боо — шу ҳусуда атрофича сўзлашиб олдик.

Мажбурият олишга келганда, чуқур ўйлаб кўриш, резервларни аниқ хисоб-китоб қилиш зарур бўлди. 50 центнердан берилмас десак кўзда ҳосил мўлжалимиздан кам бўлса, ўйлиб қилишимиз мумкин. Ҳал қилувчи гапни колхозчилар айтдилар:

— Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилей йилида 50 центнердан пахта берамиз!

— Қурбонбой Абдуллаев, Рўзимат Қўшонов: Ёқуб Тўреев бошлик бригадалар 50 центнерли маррачи ўтган йили эгаладилар. Демак, колхозимиз 50 центнердан мажбурият олса, катта кетган бўлмаймиз. Шундай қилиб, бу йил белгиланган марраимиз — 50 центнер.

Аҳдимиз юксак. Лекин, унинг удрасидан чиқашга ишончимиз қомил. Ҳосил учун курашин илмий асосда ташкил этиш, механизацияга таъини, кишиларни тобора унумли меҳнат қилишга олантириш — ютуқларимизнинг муҳим омил бўлади.

КЕЛИНГ, БЕЛЛАШАМИЗ

Собир ОЛЛАБЕРГАНОВ, Қўшқўпир районидagi Охунбобоев номили колхоз раиси.

Ҳосилдорлик бўйича областда икинчи ўриндамиз. Янгиерик районидagi Киров

Халқ манфатини кўзлаб қилган яхши ишларимиз, меҳнат зафарларимиз юбилейга тухфамиз бўлади.

БАРАКА

Сафарбой РАҲИМОВ, Урганч районидagi Карл Маркс номили колхоз раиси.

Гектаридан 42 центнердан пахта йиғиб олиб, беш йилликнинг дастлабки йилини муваффақиятли ақунладик. З. Саидов, Р. Собиров, Р. Пиримов ўртоқлар бошлик бригадалар ҳосилдорликда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Юбилей йилида мўл ҳосил етиштириш билан бирга, пахтаининг таннархини анча арзонлаштиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Бултур бир центнер пахта етиштиришга 29 сўм 25 тинини сарфланди. Ҳар килограмм азот хисобига 12 килограмм пахта етиштирилди, бу ҳам албатта. Юбилей йилида ҳар центнер пахтаининг таннархини 3 сўм арзонлаштиришга аҳд қилдик. Зариф Саидов бошлик бригада аъзолари механизациядан унумли фойдаланиб, ҳар центнер пахта таннархини 21 сўмга туширдилар.

— Бу йил минерал ўғит сотиб олишга ортинча харажат сарфламаслик учун маҳаллий ўғитни кўпроқ жамгардик. Ерлар сифатли фойдаланиш. Механизациядан самарали фойдаланиш. Қишлоқчиликда тежаш тадбирлари қўрилди. Вагетация даврида гўза қатор ерларини 7-8 марта культивация қилиш ўрнига сифатли қилиб 5-6 марта культивация қилинса ҳосилга зарар етмайди. Меҳнат қаражати қанаяди. Хуллас, иктисод қилиш резервлари кўп. Гап — улардан фойдалана билишда.

Резервларни нзлаб топиш ва ишга солиш, ҳар гектар ердан кўпроқ ҳосил ундириб олиш учун агротехника талабларига қатъий риоя қилиш, ҳосил таннархини қаматира бориш — кирмон баракасининг гаровидир. Юбилей йилида мўл ва арзон пахтаимиз билан экин мананун этаким.


ҚУШИҚ

Кел, василгига зор этма, Зор этма, ҳумор этма, Шайдонингман ўлгунча, Гўзал, интизор этма. Тўра СУЛАЙМОН.



Кейинги йилларда Фарғона области, Охунбобоев районидagi Карл Маркс номили колхоз кишлоғида кўп-лаб жамоат ҳамда маданият-манжий бинолар қад кўтармоқда. Меҳнатқилар учун янги уй-жой бинолари, медицина ва болалар муассасалари, мактаб, ошхона қуриб ишга туширилди.

Янги кўчалардан бирининг кўриини.



Янги болалар боғчасида.



Хўрандалар учун барча қўлайликлар яратилган янги ошхонада.

Бу янги кутубхона ҳар дам гавжум.

Г. БОЙКО фотолари (ЎзТАГ фотокорнаси).

